

Бобо ва момо мероси



10:30 / 09.12.2019 3479

(биринчи мақола)

«Бобо» дейилганда отанинг отаси ва катта отаси тушунилади. «Момо» дейилганда эса отанинг онаси, онанинг онаси ва уларнинг оналари тушунилади.

م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ا ي ت ا ا ل ج ر ن ا ه ن ع ه ل ل ا ي ض ر ن ي ص ح ن ب ن ا ز م ع ن ع
ه ا ع د ر ب د ا م ل ف . س د س ل ا ك ل : ل ا ق ؟ و ت ا ر ي م ن م ي ل ا م ف ت ا م ي ن ب ا ن ب ا ن : ل ا ق و ف
ب ا ح ص ا ه ا و ر . ه م ع ط ر ا ل ا س د س ل ا ن : ل ا ق و ف ه ا ع د ر ب د ا م ل ف . ر خ ا س د س ل ا ل : ل ا ق و ف
ن ن س ل ا

Имрон ибн Хусойн розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоху алайҳи васалламга келиб:

Шунда Маъқил ибн Ясор:

«Мен биламан. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга олтидан бир мерос берганлар», деди.

«Ким билан бўлганда?» деди Умар.

«Билмадим», деди.

«Билмадинг. Ундай бўлса, фойданг тегмади», деди Умар».

Абу Довуд ва Насайи ривоят қилганлар.

Бобонинг мероси ҳақида саҳобаи киромларнинг ичида ҳам бир оз ноаниқлик ҳукм сурганлиги ушбу ривоятдан кўриниб турибди.

Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг бобога меросдан олтидан бир берганларини Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳу билар эканлар, лекин ким бобога меросда шерик бўлганида у олтидан бир ҳисса олишини аниқлаб олмаган эканлар. Шунинг учун Ҳазрати Умар у кишининг гапларини қабул қилмаганлар.

Аммо бундан олдинги ҳадисда бобо икки қиз билан қолганида меросдан олтидан бир ҳисса олганини кўрдик.

عَوْنُ الْجَلْدِ عَمَّ دَجَلَلِ ي بَاتُ نُ ب دِي زَوْ نَامُ ثَعُو رْمَعَضَرَفِ رَاسِي نُ ب نَامُ ي لَس لَاقَو
كُلُّ لَامُ هَاوَر. ثَلُ ثَلَا

«Сулаймон ибн Ясор:

«Умар, Усмон ва Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳумлар (маййитнинг) биродарлари билан бўлган бобога учдан бир фарз беришга ҳукм қилганлар», деди».

Молик ривоят қилган.

Аввало ровий Сулаймон ибн Ясор розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик.

Сулаймон ибн Ясор ал-Ҳилолийнинг кунялари Абу Абдуллоҳ ал-Маданий. Бу зот Маймуна онамизнинг қуллари бўлганлар. Баъзилар у кишини Умму Салама онамизнинг мукотаб қуллари, деб ҳам айтишади. Бу зот фозил, фақиҳ, ибодатли кишилардан эдилар. Ҳадисларни Маймуна, Умму Салама, Оиша оналаримиз, Зайд ибн Собит, Ибн Аббос, Ибн Умар, Абу

Хурайралардан ривоят қиладилар. Тақрибан ҳижратнинг 107-йили 73 ёшда вафот этганлар.

Ушбу ривоятга биноан, бир киши вафот этиб, унинг ортидан икки ёки ундан кўп ака-укалари ва бобоси қолса, бобога мероснинг учдан бири тегади.

Агар бобо бир дона ака ёки ука билан бирга меросхўр бўлса, мероснинг ярмини тақсимлаб олади.

Шунингдек, биров ўлиб, ортидан онаси, акаси ва бобоси қолса, онаси учдан бири олади, қолганини эса бобо ака билан тақсимлаб олади. Қайси ҳолда бўлса ҳам, мерос олганда бобо олтидан бир қисмдан кам олмайди.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан